

## “Худайберган Хоразм транс” МЧЖда янги автобуслар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2724-сон қарори талабларини Хоразм вилоятида бажарилишини таъминлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда “СамАвто” МЧЖда ишлаб чиқарилган “Isuzu” русумли автобусларнинг йўловчиларга хизмат кўрсатишда сифати ва қулайлиги ҳаммага маълум.

Хоразм вилояти, Боғот туманида фаолият кўрсатаётган, “Худайберган Хоразм транс” масъулияти чекланган жамияти Асака банкнинг Хоразм филиалидан 3 йил муддатда қайтариш шарти билан 355 млн. 500 минг сўм кредит олиб, 2017 йил январь ойида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 16 та ўриндиқли 3 та янги “Исузу” русумли автобусларнинг ҳар бирини 105 миллион сўмдан харид қилди.

Автобус сотиб олишдан ортиб қолган 40 млн. 500 минг сўм маблағ янги олиб келинган автобусларнинг ёқилғи харажатини камайтириш мақсадида метан газ ёқилғисида ишлатиш учун газ баллон ускуналарини ўрнатишга сарфланди. Янги автобуслар олиб келиниши натижасида жамиятда автотранспортлар сони жами 16 тага етди. Шундан 12 таси автобус, 3 та юк ва 1 таси енгил автомобиллардир.

Ҳозирда корхона янги автобусларга йўловчи ташиш фаолияти кўрсатиш учун лицензия варақалари олди ва йўловчи ташиш учун малакали ҳайдовчиларни ишга қабул қилди. Ушбу автотранспортлар олиб келиниши билан корхонада яна қўшимча 3 та ишчи ўрни ташкил этилди.

- Янги олиб келинган автобуслар Боғот туманидаги “Боғот-Атов”, “Қуланқорабоғ-Урганч” йўналишларига жойлаштирилди. Боғот туманининг чекка қишлоқларида яшаётган аҳоли шаҳардагидан ҳам янги бўлган автобуслар хизматидан фойдаланаётганлигидан мамнунлигини изхор этишмоқда”,- дейди “Худайберган Хоразм транс” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Бобожонов.

Шу пайтгача жамиятга тегишли бўлган автобуслар Боғот туманидаги “Боғот-Атов”, “Огахий-Хазарасп”, “Боғот-Хазарасп”, “Қуланқорабоғ-Урганч” автобус йўналишида хизмат кўрсатиб турган эди. Эндиликда Боғот тумани марказидан Туркистон фермерлар уюшмасигача бўлган янги йўналишни очиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати